


# Шом намозидан кейин «Аввобийн» намозини ўқиш



11:00 / 10.01.2023 23876

Қиш кунлари бир киприк қоққунча ўтиб кетади. Жуда ҳам қисқалиги сабаб кўп ишларга улгурмай ҳам қоламиз. Аммо шу қисқа фурсатда қанча кўп савоб олиш имкони бўлса, шунча хатога йўл қўйиш ҳам мумкин, Аллоҳ сақласин. Хатоларни эса, албатта, тавба ўчиради. Тавбанинг эса йўли кўп, улардан бири намоздир.

Шом намозидан кейин «Аввобийн» намози ўқишга одатланиш ҳам яхши амаллардан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида бу намоз айнан шундай ном ила зикр қилинган. «Аввобийн» сўзи «кўп тавба қилувчилар» деган маънони англатади.

Ибн Наср Ибн Мункадирдан қилган мурсал ривоятда: «Ким шом билан хуфтоннинг орасида намоз ўқиса, албатта, ўша аввобийн намозидир», дейилган.

Мурид шом намозини ўқиганидан кейин хуфтонгача бўлган вақтни ибодат билан ўтказишга ҳаракат қилади.



**«Ким Шомдан кейин йигирма ракъат намоз ўқиса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилур», – дейилган.**

Термизий ривоят қилган.

Ушбу намоз ҳақида бошқа ҳадислар ҳам келган. Уларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ва саҳобаи киромлар бу намозни ўқиганликлари ҳақида сўз боради.

Ушбу намоз «Ғафлат» номи билан машҳур бўлган намоздир. Чунки кўпчилик бу намозни ўқимай, Ғафлатда қолади. Ушбу Ғафлат намози ҳам таъкидланмаган қўшимча намозлардан ҳисобланади. Ким суннатга амални ният қилиб, уни ихлос билан ўқиса, иншааллоҳ, қилинган ваъдаларга эришади.

Демак, Ғафлатда қолмайлик, десак, ўзимиз учун жаннатда бир уй бино бўлишини истасак, ўн икки йиллик ибодатга эришмоқчи бўлсак, кўп тавба қилувчилардан бўлишни хоҳласак, аввобийн намозини маҳкам ушлайлик...

*«Ҳадис ва ҳаёт» ҳамда «Нақшбандия: вазифалар, зикрлар»*

*китоблари асосида тайёрланди*